

ИЛМ-ФАН БИЛАН ТАРАҚҚИЁТГА ЮЗ ТУТАЁТГАН ЯНГИ АВЛОД САНОАТ КОРХОНАЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2 июнь куни “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркига ташриф буюриб, бир қатор корхоналар фаолияти билан танишди ҳамда кимё саноатини жадал ривожлантириш ва ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишини ўтказди.



Кимё саноати — энг муҳим тармоқлардан. У хомашёларни қайта ишлаш орқали иқтисодий ўсун зарур маҳсулотлар етказиб беради. Шу боис, мазкур саноат тармоғи қанчалик ривожланса, бошқа соҳалар ҳам тараққий этади. Яъни кўпга соҳалар фаолияти айнан кимё саноати билан боғлиқ. Сўнгги пайтларда қаратилган эътибор тўғрисида муайян натижаларга эришилмоқда. Янги-янги ишлаб чиқариш

субъектлари фойдаланишга топширилиб, иқтисодий тармоқнинг рақобат ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Чирчиқ нафақат Тошкент вилояти, балки республикамиздаги йирик саноат шаҳарларидан. Аммо муайян даврда саноат корхоналарида ишлаб чиқариш суръати кескин пасайиши ёки батамом тўхтаб қолиши тўғрисида кўпчилик чирчиқликлар

доимий иш ўрни — муқим даромад манбаидан айрилади. Иқтисодий тармоқнинг рақобат ва аҳоли турмуш шароитини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Чирчиқ нафақат Тошкент вилояти, балки республикамиздаги йирик саноат шаҳарларидан. Аммо муайян даврда саноат корхоналарида ишлаб чиқариш суръати кескин пасайиши ёки батамом тўхтаб қолиши тўғрисида кўпчилик чирчиқликлар

Мамлакатимизда кейинги 9-10 йил нариберисидан бошланган кенг кўламли янгиликлар шиддати, янги Ўзбекистон ишловотлари нафаси ушбу шаҳарни, аниқроғи, унинг асосий қуввати бўлган кимё саноати тармоғини ҳам четлаб ўтмади. Хусусан, кўпга ижтимоий соҳа инфратузилма объектлари, кўп қаватли замонавий уй-жойлар, савдо ва сервис мажмуалари барпо этилди. Қатор олий таълим муассасалари пойтахтдан ушбу шаҳарга кўчирилди. Айниқса, шаҳарнинг саноат йўналишидаги мавқени тиклаш ва уни мутлақо янги боқичга олиб чиқиш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилгани диққатга сазовор.

Бундан тўрт йил олдин фойдаланишга таъминланган “Чирчиқ” кимё-индустриал технопарки ана шундай лойиҳалардан. Давлатимиз раҳбарининг “Тошкент вилоятида “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркин ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида фаолият бошлаган мазкур технопарк кимё маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, илгор технологияларни жорий этиш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун қўлай муҳит яратишга хизмат қилмоқда. Умумий майдони 26,4 гектардан иборат ҳудудда муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва замонавий инфратузилмани шакллантиришга 25 миллион доллар йўналтирилди.

Технопаркнинг инвестициявий жозибдорлиги аниқ рақамларда акс этади. Жумладан, ўтган йили 56 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилди, 758 та янги иш ўрни очилди. Йил давомида корхоналар томонидан 60 миллион долларлик 150 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилди. Келгуси режалар ҳам улкан. 2030 йилга қадар инвестициялар ҳажмини 207 миллион долларга, товар ишлаб чиқариш қийматини 294 миллион долларга, экспортни 48 миллион долларга етказиш ҳамда иш ўринларини сонини 2300 тага ошириш белгиланган.

Давлатимиз раҳбари дастлаб ушбу технопарк ҳудудида фаолият юритётган “Kmita Polymers” корхонасига ташриф буюрди.

Россиянинг “Polymers” компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу лойиҳа мақсус ва кенг турдаги полиэтилен плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган плёнкалар бир қарашда оддий маҳсулотдек туюлади. Лекин замонавий иқтисодий тармоқнинг аҳамияти катта. Айтайлик, деҳқон етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, умуман, бошқа турдаги маҳсулотларни хавфсиз ташиш, харидорга бутун ва ташқи таъсирлардан ҳимояланган ҳолда етказиб бериш, қадоқлашда ушбу плёнкалар жуда асқатади.

Айни пайтда 6670 квадрат метр майдонни эгаллаган корхонада Италиянинг замонавий технологик ускуналари ёрдамида кенг ассортиментдаги полимер ва термоқискарувчи плёнка маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, бунгача ушбу турдаги маҳсулот чет элдан олиб келинади. Бунинг учун сарфланадиган маблағ ҳам чакана эмас эди. Корхона ишга туширилиши билан 9,5 миллион долларлик импорт ўрни қопланди. Бу корхона учун ҳам, иқтисодий ўсун ҳам кичкина рақам эмас, албатта.

Лойиҳа икки боқичли кенгайтириш дастури асосида амалга оширилмоқда. Инвестицияларнинг умумий қиймати 15,2 миллион долларни ташкил этади. Унинг биринчи боқичида 7,4 миллион доллар инвестиция ўзлаштирилди. Лойиҳа доирасида 50 кишининг бандлиги таъминланди ва бу чегара эмас. Чунки кейинги боқичларда иш ўринлари сони янада кўпаяди. Корхонада ўтган йили 115 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу билан бирга, 6 миллион долларлик маҳсулот Марказий Осиё давлатларига экспорт қилинди.

Корхона маҳсулотларига дунё бозоридан таниқли йирик бренд эгалари ҳам харидор. “Coca-Cola”, “Pepsi”, “Flash”, “Черноголовка”, “Ackerman”, “Asl Oyuna”, “Biolife” ва “Family Group” шулар жумласидан. Улар қадоқлашда айни шу корхона плёнкаларидан фойдаланади.

Қадоқлаш индустрияси замонавий саноатнинг энг тез ривожланаётган йўналишларидан бири экани таъкидланди. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб боргани сари уни хавфсиз сақлаш, ташиш ва бозорга етказиб бериш талаблари ҳам кучаяётгани қайд этилди.

Шу маънода, бундай корхоналар сонининг кўпайиши, юқорида қайд этилганидек, фақат бир тармоқ ривожига эмас, балки бошқа соҳаларнинг ҳам муттасил ишлашига хизмат қилади. Яъни бир тармоқ бошқа соҳалардаги бўшлиқни тўлдирди. Шу тарихка ўзига хос ишлаб чиқариш занжири вуҷудга келди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари технопаркида яна бир замонавий ишлаб чиқариш қуввати — “NovoPlast TPE” корхонаси фаолияти билан танишди.

Лойиҳа Россиянинг “VR Plast” корхонаси билан ҳамкорликда 4200 квадрат метр майдонда амалга оширилган. Унинг умумий қиймати 5,4 миллион долларни ташкил этади.

Корхона замонавий. Илгор лаборатория ва инновацион ишлаб чиқариш линияларига эга. Шу боис, мутахассислар уни термопластик эластомер гранулалар ва улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий етакчи корхоналардан бири сифатида эътироф этади. Корхонада юқори сифатли термоэластомерлар, эшик ва ромлар учун зичлағичлар, техник ҳамда озиқ-овқат саноати учун мўлжалланган шланглар, шунингдек, қурилиш ва электротехника тармоқлари учун турли полимер маҳсулотлар тайёрланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН РОССИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 4-5 июнь кунлари амалий ташриф билан Санкт-Петербург шаҳрида бўлади.

Давлатимиз раҳбари “Прагматик мулоқот — барқарор келажақ сари йўл” ширин остида ўтадиган 29-Петербург халқаро иқтисодий форумнинг янги йиғилишида иштирок этади ва нутқ сўзлайди. Ўзбекистон етакчиси жаҳон иқтисодиёти-

даги вазият, Ўзбекистон — Россия иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш истиқболлари борасидаги фикрлари билан ўртоқлашади, шунингдек, мамлакатимизни ривожлантиришнинг бугунги устувор йўналишларига тўхталиб ўтади.

Ташриф дастурида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашув ўтказиш ҳамда юртимизда биринчи интеграцияланган атом электр станцияси қурилишини бошлаш маросимида иштирок этиш кўзда тутилган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕНГ КЎЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2026 йил 1 июнь куни ўтказилган маданият, санъат ва адабиёт ходимлари билан соҳаларни янада ривожлантириш бўйича келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган учрашувда илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш, шунингдек, ижодкорларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ҳамда соҳада хусусий сектор иштирокини янада кенгайтириш мақсадида қарор қилди:

1. Асосий мақсадлар
1. Куйидагилар ушбу Фармонни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсадлар этиб белгилансин:
(а) театр, кино, рақс, опера, фольклор, эстрада, академик ва миллий чолғу, тасвирий ва амалий санъат ҳамда адабиёт каби

йўналишларда **ижодий бирлашмалар фаолиятини йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш;**
(б) ижодкорларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг халқаро танловлардаги иштироки сонини 2027 йилда **20 фоизга**, ғолиблар сонини **30 фоизга**, 2030 йилга қадар иштирокчилар сонини **5 бараварга**, ғолиблар сонини эса **2 бараварга** ошириш;
(в) шоир ва ёзувчилар томонидан ҳар йили камида **50 та энг сара асарлар яратилишини**, миллий адабиётнинг энг яхши **10 та асари хорижий** тилларга таржима қилинишини таъминлаш;
(г) ижодкорларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, жумладан, ҳар йили **1 минг** нафар

ижодкорни уй-жой билан таъминлаш, **3 минг** нафарини бепул доволаш;
(д) **нодавлат театр ва театр-студиялар сонини 2028 йилда 50 тага** етказиб, театр соҳасида хусусий сектор иштирокини **25 фоизга** ошириш.
II. Соҳада истеъдодларни юзага чиқаришнинг янги тизимини жорий этиш
2. Маданият вазирилик, Ўзбекистон Бадий академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва кенг ижодкорлар жамоатчилигининг **1-иловага** муровоқ маданият, санъат ва адабиёт соҳаларида **ижодий бирлашмаларни** (кейинги ўринларда — ижодий бирлашмалар) **ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Давоми 2-бетда



Янги Ўзбекистоним, бузрукворим, улугим, Ҳам онамсан, бахшида сенга тазим, қулугим, Юзи нурли парирўй, пой қадами қулугим, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!

Биров кураб бермайди гаг бошинга ёғса қор, Ўттиз саккиз милён жон бир-бирига дўсту ёр, Сен боғбон, бободехқон, сенсан даҳо бунёдкор, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!

Ўттиз беш йил тарихинг ўттиз беш минг дostonдир, Ўттиз беш минг Фирдавсий боқиб долу ҳайрондир... Ёзса, қалам гуллагай, ҳар саҳифа бўстондир, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!

Камтарлиқда майсаю орзулари осмонсан, Сен дўстлиқда намуна, кўли очик мезбонсан, Ғанимга мурасисиз, ўтиб бўлмас қўргонсан, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!

Жаҳон харитасида бир юрт қаддин кўтаргай, Бу юртда ҳар ишловот инсон қаддин кўтаргай, Инсонлари бирлашиб, элнинг мардин кўтаргай, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!

Олий майдонлар узра музаффар ўғил-қизинг, Олтин медаль шуъласи ёритиб тургай юзинг, Кундан кунга чарақлар, ажаб, толе юлдузинг, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!

Маррани баланд олиб борарсан, йўлинг равон, Турининг шоҳонаю турмушинг ҳам фаровон, Бугун ёруғ иқболнинг, эртанг ундан чарогон, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!


Бу боғларинг гуллагай, фаслинг мангу баҳордир, Бир зот бахтингни йўлаб, кечалари бедордир, Худойим назар қилган оқил Сарбонинг бордир, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!

Қара, не-не юртларда биздек қула олмаслар, “Тинчлик бер!” деб бўзлагай узатиб зар-олмаслар, Бу мусаффо осмонни тиллога тополмаслар, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!

Кўз тегмасин, жонажон, айланайин бўйингдан, Шоир бўлдим, ёр эмас, сенинг ишқу кўйингдан, Бир шезър ўқигим келди “Мустақиллик тўйи”нда, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!

Бизниқидир бу давлат, бу шарқона жамият, Ўзбекона номус-ор, ўзбекона ҳамият, Илму фан, адабиёт, санъату маданият, Ягона Ватан ичра бир халқ бўлиб муштарак, Янги ҳаёт қураимиз, яратамиз келажақ!

Зоҳиджон ОЛОВ, “Шуҳрат” медали соҳиби, шоир



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАДАНИЯТ, САЊЪАТ ВА АДАБИЁТ СОҲАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА КЕНГ КЎЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиш 1-бетда

3. Белгилансинки:

(а) ижодий бирлашмаларнинг ижодий раҳбарлари ва уларга ташкилий масалаларни ҳал этишда кўмаклашувчи ҳамраҳбарлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади;

(б) ижодий раҳбар ўз йўналишида янги иқтидорларни юзага чиқаришга масъул ҳисобланади;

(в) ижодий бирлашмаларга бириктирилган ҳамраҳбарлар:

(и) ижодий бирлашма ҳамда унинг йўналишидаги мос ижодкорлар ва жамоалар фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда уларни молиявий қўллаб-қувватлашга масъул ҳисобланади;

(ii) ижодий бирлашма йўналиши бўйича маҳалла — туман — вилоят — республика даражасидаги танловлар ва маданий тадбирларнинг йиллик режа-графикини ижодий раҳбарлар билан биргаликда тасдиқлайти ҳамда уларни ташкил қилади;

(iii) халқаро ва республика танловлари ғолиб ва совриндорларнинг гастроль сафарларини ташкил этишга ҳамда халқаро фестивал ва танловларда иштирок этишига кўмаклашади;

(г) ҳамраҳбарларга ўзлари бевосита раҳбар бўлган муассаса (ташкилот, корхона) ва унинг тизим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижодий бирлашмаларга маблағ йўналтиришга рухсат берилади;

(д) ижодий бирлашмаларнинг фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган ҳомийлик хайриялари меценатлик кўмаги ҳисобланади ҳамда уларга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар қўланади;

(ж) 2027 йилдан бошлаб ижодий бирлашмаларнинг йиллик ижодий ҳисоботи шаклида Миллий ижодкорлар курултойи ўтказилади ҳамда унда ижодий бирлашмаларнинг йил давомида энг яхши натижа кўрсатган ижодкорлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан куйидаги тартибда рағбатлантирилади:

(и) ижодкорларнинг бадий кечаси, маҳорат мактаби ва ижод уйлари ташкил этилади;

(ii) бир йил давомида ҳар ойда 5 миллион сўм миқдориди гонорар тўланади;

(iii) уч йил давомида Ўзбекистон бўйлаб самолёт, поезд ва жамоат транспортдан бепул фойдаланади, бунда ташқиш харажатлари бўйича олинмай қолган даромадлар кейинчалик ҳар ойда қоплаб берилади;

(iv) давлат тиббиёт муассасаларида даволаниш харажати тўлиқ қопланади.

4. Истеъодларни аниқлаш ва ривожлантириш, уларнинг продюсерлик фаолиятини кўллаб-қувватлайдиган бизнес лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида Маданият вазирлиги ҳузурида юридик шахс маконисиз “Ижодга инвестиция” давлат мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Жамғармага 2026 йил 1 июлга қадар республика бюджетиди ҳисобидан 200 миллиард сўм маблағ ажратиш чорасини кўрсин ҳамда 2027 йилдан бошлаб давлат бюджетиди параметрларида ҳар йили камида 200 миллиард сўм маблағ ажратилишини назарда тутсин.

6. Маданият вазирлиги 2026 йил 1 июлдан бошлаб Жамғарма ҳисобидан очик ва шаффоф тизим асосида энг истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш тизимини йўлга қўйсин.

7. Маданият вазирлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2027 йилдан бошлаб ҳар йили театр, чолғу, хор ва рақс йўналишида умумий ўрта таълим муассасалари ўртасида туман — вилоят — республика даражасида танловларни ўтказиб боришни йўлга қўйсин. Бунда:

(а) ҳар бир йўналиш бўйича республика даражасидаги танловда ғолиб деб топилган умумий ўрта таълим муассасасига ўз ижодий тарғиб қилиш, саҳна декорациялари ва либослари, мусиқа асбоблари харид қилиш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан 500 миллион сўмдан грант берилади;

(б) республика танлови ғолиблари маданият ва санъат йўналишлари бўйича давлат таълим ташкилотларига киришда ижодий имтиҳондан озод этилади ва уларга максимал балл берилади.

8. 2026 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқароларига миллий чолғу асбобларини сотиб олиш харажатларининг 30 фоиз қисмини Давлат бюджетиди маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш тизими жорий қилинсин.

III. Соҳани қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш

9. Белгилансинки, 2026 йил 1 сентябрдан 2036 йил 1 январга қадар:

(а) асосий фаолияти концерт-томоша, кинематография, болалар учун концерт яратиш бўлган субъектлар, нодавлат театр ва театр-студиялар ҳамда маданият ва санъат йўналишидаги хусусий таълим ташкилотлари қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ, эр солиғи, мол-мулк солиғидан, уларда ишловчи ходимлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилинади;

(б) хорижий компанияларнинг Ўзбекистон ҳудудида кино маҳсулотини яратиш билан боғлиқ фаолияти натижасида олган даромадлари Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларига тўлов мабанди солиқ солишида солиқ базасига киритилмайди.

10. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси ҳамда Маданият вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармоннинг 9-бандида назарда тутилган солиқ имтиёзларини тақдим этиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Куйидагиларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳар йили молиялаштириш тизими жорий этилсин:

(а) йилга камида 50 та энг сара асарларни яратиш учун шонр ва ёзувчиларга ижодий бюртмаси бериш;

(б) опера, симфония каби мумтоз ва замонавий жанрлар бўйича ҳар йили камида 20 та янги асар яратиш учун ижодкорларга давлат бюртмаси бериш;

(в) ҳар йили миллий адабиётнинг энг сара 10 та асарини хорижий тилларга таржима қилиш ва муаллифлар иштирокида чет элларда тақдимотлар ўтказиш харажатларини қоплаб бериш;

(г) Ёзувчилар уюшмаси тавсияси асосида чоп этиладиган китобларни нашр этиш учун қозғоз харид қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш;

(д) шеърят билан санъатни уйғунлаштирган ҳолда ташкил этиладиган энг сара 100 та шеърин концертларни ўтказиш бўйича давлат бюртмаси бериш.

12. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ушбу Фармоннинг 11-бандида белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш учун республика бюджетиди ҳисобидан 2026 йилда 25 миллиард сўм, 2027 йилдан бошлаб ҳар йили 50 миллиард сўм ажратсин.

13. Истеъодлар ва уларнинг устозларини қўллаб-қувватлаш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб:

(а) маданият, санъат ва адабиёт соҳаларидаги нуфузли халқаро ва республика танловлари ғолиб ва совриндорлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан куйидаги миқдорларда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

(и) Гран-при ва 1-ўрин ғолиби — халқаро танлов бўйича 200 миллион сўм, республика танлови бўйича 50 миллион сўм миқдориди;

(ii) 2-ўрин соҳиби — халқаро танлов бўйича 100 миллион сўм, республика танлови бўйича 25 миллион сўм миқдориди;

(iii) 3-ўрин соҳиби — халқаро танлов бўйича 50 миллион сўм, республика танлови бўйича 25 миллион сўм миқдориди;

(б) танловларнинг ғолиб ва совриндорларини тайёрлаган ўқитувчи (концертмейстер)нинг ойлик маошига бир йил давомида 100 фоизгача устама Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади;

(в) нуфузли халқаро танловларнинг ғолиб (совриндор)лари ва уларнинг ўқитувчи (концертмейстер)ларининг танловларда иштирок этиши харажатлари тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

(г) ушбу бандда назарда тутилган қўллаб-қувватлаш чоралари хусусий секторда фаолият юритувчи шахсларга нисбатан ҳам тағбиқ этилади;

(д) ушбу бандда назарда тутилган нуфузли халқаро ва республика танловлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида аниқланади.

IV. Соҳа вакилларининг ижтимоий таъминотини янада мустаҳкамлаш

14. 2026 йил 1 июлдан бошлаб ҳар йили 1000 нафар уй-жойга муҳтож маданият, санъат ва ижодий соҳа вакилларига бирламчи бозордан квартира сотиб олиш учун куйидаги тартибда ипотека кредитларини ажратиш йўлга қўйилсин, бунда:

(а) Ипотека дастури доирасида ипотека кредитлари ажратишда бошлангич тўлов кредит олувчи томонидан 2-иловада белгиланган миқдорларда шакллантирилади, бунда шакллантириладиган бошлангич тўловнинг 50 фоизи ҳамда кредит муддатининг биринчи беш йили давомида тўланадиган кредит фоизларининг 10 фоизлик пунктдан олган қисми Давлат бюджетидан қоплаб берилади;

(б) бошлангич тўловнинг 50 фоизини қоплаб бериш Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг “subsidiya.idm.uz” дастурий таъминот тизими орқали автоматлаштирилган ҳолда амалга оширилади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари маданият соҳаси вакилларини зарур уй-жойлар билан таъминлашга масъул этиб белгилансин.

16. Бир ҳудудда бошқа ҳудудга келиб ишлайётган ва ушбу ҳудудда ўз йўлига эга бўлмаган маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига уй-жой ижараси тўловларининг бир қисминини куйидаги миқдорларда қоплаб бериш тартиби жорий этилсин:

(а) Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 баравари;

(б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари.

17. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазукур Фармоннинг 14- ва 16-бандларида назарда тутилган харажатлар учун 2026 йилдан бошлаб ҳар йили Давлат бюджетидан 50 миллиард сўм ажратсин.

18. 2026 йил 1 июлдан бошлаб ижодий бирлашмаларнинг тавсияси асосида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан куйидаги харажатларни қоплаб бериш йўлга қўйилсин:

(а) ҳар йили 1 миң нафаргача Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаниш бўйича имтиёзга эга бўлмаган, бироқ ўз фаолиятида яхши натижаларга эришган маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига юқори технологик операцияларни ўтказиш;

(б) ҳар йили 2 миң нафаргача маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига сугурта мукофоти базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган ихтиёрий тиббий сугурта бадаллари учун харажатларнинг 50 фоизини қоплаб бериш;

(в) ҳар йили 100 нафаргача соҳада камида 10 йил ишлаган маданият, санъат ва адабиёт соҳалари вакилларига Ўзбекистон касаб ва уюшмалари федерацияси санаторийларида бепул даволаниш.

19. Белгилансинки:

(а) 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб бюджетдан молиялаштириладиган театр ва концерт-томоша муассасаларида фаолият юритувчи рақс жамоасининг бадий раҳбари, балетмейстери, репетиторлари, балет артистларининг лавозим маошларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари миқдорига ва (ёки) Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгиланган тариф коэффициентлари миқдори Давлат бюджети ҳисобидан 2 бараварга оширилган ҳолда қўланади;

(б) давлат муассасаларида рақс санъати соҳасида фаолият юритаётган раққос ва раққосаларни имтиёзли иш стажига билан пенсияга чиқаришда талаб этиладиган 20 йиллик иш стажининг камида 15 йили раққос ва раққосалик фаолиятиндан иборат бўлган тақдирда, қолган 5 йили учун балетмейстер ва балет бўйича репетитор фаолияти билан шуғулланган даврини инобатга олишга рухсат берилади.

20. Ногиронлиги бўлган шахс деб топилган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳудудларда инклюзив ижодий устаноналар ташкил қилинсин. Бунда инклюзив ижодий устаноналарини ташкил этиш ҳамда уларни дарсликлар ва ижод учун зарур анжомлар билан таъминлаш харажатларини молиялаштириш учун Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили 30 миллиард сўм ажратиб борилади.

21. 2026 йил 1 июлдан бошлаб 3-иловага мувофиқ давлат мукофотлари билан тақдирланган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудидидаги аэропорт ва

темир йўл вокзалларидаги “VIP” заллардан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

V. Соҳада нодавлат сектор фаоллигини ошириш

22. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб:

(а) нодавлат театр ва театр-студияларнинг куйидаги харажатлари Давлат бюджетиди маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади:

(и) ҳар йили 50 та саҳна асари яратиш харажатлари;

(ii) ҳар ойда хусусий бинони ижарага олиш харажатларининг базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача бўлган қисми;

(б) давлат маданият объектлари уларнинг бўш вақтларида нодавлат театр ва театр-студияларга спектакль намоийш этиш учун ижара тўловисиз фойдаланиш учун берилади. Бунда томоша заллари учун талабгорлар иккита ёки ундан кўп бўлган тақдирда, улар орасида танлов ўтказилади;

(в) ушбу банднинг “а” қичик бандида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун ҳар йили Давлат бюджетидан кўшимча 10 миллиард сўм ажратилади.

23. Белгилансинки, 2026 йил 1 июлдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Нукус шаҳри ва вилоятлар марказлари бундан мустасно) концерт-томоша тадбири ташкил этилган ва бир тадбир доирасида 1000 тадан ортиқ билет сотилган тақдирда, концерт-томоша ташкилотчиларига сотилган билетлар қийматининг 20 фоизига тенг бўлган миқдорда субсидия берилади;

(б) давлат ва нодавлат театрларга ўзи фаолият юритаётган жойда саҳналаштирилган спектакль учун сотилган ҳар бир чиптага кўшимча 10 миң сўм, бошқа ҳудудга чиққан ҳолда намоийш этилган тақдирда, 20 миң сўм миқдориди субсидия берилади.

24. Белгилансинки, 2026 йил 1 октябрдан бошлаб ҳар йили 500 миң нафар ўқитувчи, шифокор, давлат хизматчиси, фаол ўқувчи ва талабаларга ҳамда Ижтимоий реестрга киритилган 100 миңга оилаларнинг бир нафар фарзандига, шунингдек, ногиронлиги бўлган болаларга театр, кино ва концерт тадбирлари учун бепул ваучер берилади, бунда:

(а) ваучер қийматидидаги маблағлар шахсларнинг номига очиладиган ижтимоий карта орқали тақдим этилади;

(б) ваучер бериш билан боғлиқ харажатлар тегишли равишда Давлат бюджети маблағлари ҳамда Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

VI. Киноиндустрия соҳасини янада ривожлантириш

25. Хусусий киностудияларнинг мустақил фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда соҳада эркинлик ва рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида:

(а) Миллий кинематография, кинокомпания ва кинотеатрлар тармоғини янада ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази, Кинематография агентлиги ҳузуридаги Бадий кенгаш фаолияти ҳамда ҳар бир фильмга маслаҳатчилар гуруҳини бириктириш амалиёти тугатилсин;

(б) давлат бюртмаси асосида яратиладиган фильмларнинг мавзусидан келиб чиқиб, соҳа мутахассисларидан иборат ҳақ тўланадиган эксперт гуруҳлари ташкил қилиб борилсин. Бунда Бадий кенгаш томонидан маъқуланган ва (ёки) ишлаб чиқаришга таъйинланган лойиҳаларни яқунлаш ушбу кенгаш томонидан амалга оширилади ва улар бўйича эксперт гуруҳларининг ҳулосасини олиш талаб этилмайди;

(в) “Ўзбекфильм” киноконцерни” давлат муассасасига “миллий” мақоми берилсин ҳамда унинг фаолияти маҳаллий ва халқаро киностудияларга хизмат кўрсатувчи киноконцерн сифатида йўлга қўйилсин;

(г) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ўзбекистон киноорбоблари ижодий уюшмаси томонидан ўтказиладиган “Олтин Ҳумо” миллий кино тақдимоти нуфузини ошириш мақсадида 2027 йилдан бошлаб ҳар йили 5 миллиард сўм ажратиб борилишини таъминласин.

26. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат бюртмаси асосида кино, шу жумладан, Болалар контентини ривожлантириш маркази лойиҳалари яратилишида:

(а) маркетинг ва реклама харажатлари учун фильм бюджетининг 30 фоиз миқдорига маблағларни ажратишга рухсат берилади;

(б) харид шартномаларини экспертизадан ўтказиш талаби бекор қилинади;

(в) фильмлар намоийшидан тушган маблағларнинг 50 фоизи продюсер ва ижодий гуруҳга кўшимча рағбат сифатида берилади.

VII. Ҳудудларда маданият тадбирларини ташкил этиш ва китобхонлиқни ривожлантириш

27. 2026 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳар, Самарқанд ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида маданий тадбирларни ташкил этиш дирекциялари (кейинги ўринларда — дирекциялар) фаолияти йўлга қўйилсин.

28. Белгилансинки:

(а) дирекциялар тегишли ҳокимликлар муассислигида масъулияти чекланган жамиятлар шаклида ташкил этилади, бошқа тадбиркорларга дирекция устав фондига ўз пул маблағлари билан иштирок этишига рухсат берилади;

(б) дирекциялар тегишли ҳудудда жойлашган, маданий, оммавий, концерт-томоша тадбирлари ташкил этилиши мумкин бўлган бинолар, мажмуалар, павильонлар, стадионлар, саҳналар, залларга (кейинги ўринларда — маданият объектлари) эга бўлган барча давлат муассасалари, шу жумладан, концерт, театр, маданият саройлари билан мажбурий равишда, шундай бино ва иншоотларга эга хусусий таълим билан эса ўзаро келишувлар асосида хизмат кўрсатиш тўғрисида шартномалар имзолайди;

(в) дирекциялар тузилган шартномалар асосида ҳар бир маданият объектнинг ҳар кунлик иш режими, уларнинг банд ва бўш вақтлари ҳақида онлайн режимида маълумот олиб туради;

(г) дирекциялар маданият объектларининг бўш вақтларида самарали фойдаланиш мақсадида уларда маданий тадбирлар ўтказилишини ташкил этади, ўзи жалб қилган тадбир ташкилотчилари билан маданий масканларнинг мулкдорлари номидан шартномалар тузади;

(д) дирекциялар томонидан мулкдор номидан тузилган шартномаларга асосан маданият объектларини тадбирлар учун ижара беришдан тушган маблағларнинг хизмат кўрсатиш шартномасида томонлар ўзаро келишув асосида белгилайдиган қисми дирекцияларга ўтказиб берилади;

(ж) дирекциялар ўзлари тузган шартномалар асосида ўтказиладиган оммавий тадбирларга рухсат олиш бўйича тартиб-таомилларнинг бажарилишини бевосита ўзи таъминлайди.

29. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Маданият вазирлигининг тақлифлари асосида 2026 йил якунига қадар 50 тадан 100 тагача чекка ва олис ҳудудлардаги маҳаллаларда намунали маҳалла кутубхонаси ва китоб дўконларини ташкил қилсин. Бунда Ёшлар ишлари агентлиги:

(а) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда намунали маҳалла кутубхоналарининг бадий, илмий-оммабоп, маърифий, ҳужжатли ва биографик адабиётлар билан тўлдирилишини;

(б) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси билан биргаликда ушбу кутубхоналар фаолияти тўлиқ рақамлаштирилишини таъминласин;

(в) 2027 йил 1 январдан бошлаб ушбу кутубхоналарда “Муголаа” платформасидан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратсин.

30. 2026 йил 1 июлдан бошлаб Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат академик мусиқали театри, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри ва Ўзбек Миллий кўғирчоқ театрига молиявий, ижодий ва ташкилий масалаларни мустақил ҳал қилиш ваколати берилсин.

VIII. Таълим тизимини такомиллаштириш

31. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 10 тадан умумий ўрта таълим муассасаларида, таъриба тариқасида, мусиқа, тасвирий санъат ва технология дарсларини илгор хорижий таърибага мувофиқ “Арт” ўқув дастури

асосида такомиллаштирилган ҳолда ўқитиш йўлга қўйилсин. Бунда умумий ўрта таълим муассасаларини “Арт” йўналишларига мос ҳолда жиҳозлаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

32. Белгилансинки, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб:

(а) болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларига тенглаштирилади;

(б) умумий ўрта таълим муассасаларида ижодий жамоалар томонидан умумий ўрта таълим муассасаларида даврий равишда концерт-томоша дастурлари ва маҳорат дарслари ўтказиб борилади;

(г) ҳар бир умумий ўрта таълим муассасасида мусиқа ва санъат йўналишида камиди 4 тадан тўғрарак ташкил қилинади.

33. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Маданият вазирлиги, Бадий академия икки ой муддатда ёш ижодкорларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун маданият ва санъат йўналишидаги 10 та олий таълим муассасасига Давлат бюджети ва Олий таълимни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тенг улушларда 50 миллиард сўм ажратишини таъминласин.

34. Касбий таълим агентлиги тизимидидаги Республика мусиқа ва санъат техникуми ҳамда Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк техникуми олий мактаб сифатида қайта номланган ҳолда Маданият вазирлиги тизимига ўтказилсин, бунда Республика мусиқа ва санъат олий мактаби ҳамда Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк олий мактабида:

(а) битирувчиларга касбий таълим тўғрисида давлат намунасидаги диплом берилади;

(б) иқтидорли битирувчиларга белгиланган тартибда ўз ўқилиши тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича олий таълим ташкилотларининг иккинчи босқичдан давом этириш имкони яратилади;

(в) талабаларга таниқли ижодкорлар бириктирилади ва уларга олий таълим ташкилоти профессор-ўқитувчисига тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўланади.

35. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Мусиқа соҳаси педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази негизда Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъат ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ташкил қилинсин.

IX. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

36. Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини комплекс ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

38. Маданият вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазукур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

39. Ушбу Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб маданият вазири О.А.Назарбеков белгилансин.

40. Фармон ижросини назорат қилиш ва масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2026 йил 2 июнь

Ш. МИРЗИЁЕВ

Икки йилда корхоналар томонидан 25 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, аввал импорт қилинган 10 миллиард долларлик маҳсулотни мамлакатнинг ўзидан ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



Шарҳ

2021 йилдан Ўзбекистонда давлат ва бизнес муносабатларида мутлақо янги сиёсий-иқтисодий формат шаклланди. Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқоти шунчаки расмий йиғилиш эмас, балки бизнес муҳитидаги муаммоларни тўғридан тўғри эшитиш, тезкор қарор қабул қилиш ва иқтисодий ислохотларни "жойлардаги эҳтиёж" асосида шакллантириш механизмига айланди.

"ОЧИҚ МУЛОҚОТ" ФЕНОМЕНИ: БЕШ ЙИЛДА ТАДБИРКОРЛАР ОВОЗИ ДАВЛАТ СИЁСАТИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ҚИЛДИ?



Жамшид ШАРИПОВ, "Тараққиёт стратегияси" маркази бўлим бошлиғи

Илк очик мулоқот пандемиядан кейинги оғир иқтисодий шароитда ўтказилди. Уша даврда тадбиркорлардан 15 миңдан ортиқ мурожаат келиб тушгани бизнесда йиғилиб қолган тизимли муаммолар қанчалик катта эканини кўрсатган эди. Энг муҳими, давлатимиз раҳбари биринчи марта тадбиркорларни

"иқтисодиёт локомотиви" сифатида баҳолаб, улар билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш амалиётини жорий этди. Бу эса давлат идоралари ва бизнес ўртасидаги муносабатни тубдан ўзгартирди. Илгари тадбиркор асосан назорат объекти сифатида кўрилган бўлса, энди у иқтисодий ўсишнинг асосий драйверига айланди. 2021 йилги мулоқотда кредит муддатлари, юқори фойзалар, валюта хавфлари, ортиқча текширувлар ва лицензиялаш тизими каби долзарб масалалар кўтарилди. Натижада банк капиталини ошириш, хусусий банкларга кенг имконият бериш ва халқро молия ресурсларини жалб қилиш бўйича янги механизмлар ишлаб чиқилди.

2022 йилга келиб, очик мулоқотлар аллақачон иқтисодий сиёсатни белгилайдиган муҳим майдонга айланди. Уша йилги учрашувда бизнесни микро, кичик ва ўрта тоифаларга ажратиш тизими жорий қилинди. Бу қарор иқтисодиётни "бир хил ёндашув" асосида бошқаришдан воз кечиб, тадбиркорларнинг имконияти ва эҳтиёжига қараб ишлаш тизимига ўтишни бошланиши бўлди.

Айниқса, микробизнес учун ягона 4 фойзлик айланма солиғи жорий этилиши, ҚҚС ставкаси 12 фойзга туширилиши ва



2 триллион сўмлик солиқ қарзларининг бекор қилиниши тадбиркорлар учун катта энгиллик бўлди.

ҳажми эса 30 фойз ошди. Бу эса бизнестга берилган эркинлик ва молиявий энгилликлар иқтисодий фаолликни кучайтирганини кўрсатади.

2023 йилги очик мулоқот тадбиркорлик сиёсатида янги босқични бошлаб берди. Президентимиз илк бор "Янги Ўзбекистонда янги тадбиркорлар синфи шаклланди", дея ишбилармонлар фаолиятига сиёсий баҳо берди. Бу даврда давлат ва бизнес муносабатларида ишонч муҳити сезиларли даражада кучайди. Хусусан, текширувлар 40 фойз қисқарди. Камерал жарималар бекор қилинди ва ҚҚСни қайтариш механизми анча тезлашди.

Энг муҳими, 2021-2022 йилларда илгари сурилган ташаббуслар реал иқтисодий натижа бера бошлади. Хусусан, икки йилда корхоналар томонидан 25 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, аввал импорт қилинган 10 миллиард долларлик маҳсулотни мамлакатнинг ўзидан ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2024 йилга келиб, очик мулоқотлар нафақат бизнес муаммоларини ҳал қилиш, балки иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи стратегик механизмга айланди. Халқро валюта

жамғармаси Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард доллардан ошганини тасдиқлагани мамлакат иқтисодиётидаги ўзгаришларнинг муҳим белгиси бўлди.

2024 йилги мулоқотда яна бир муҳим тенденция кузатилди — давлат тадбиркорларни текшириш эмас, қўллаб-қувватлаш орқали солиқ тушумларини ошириш мумкинлигини тан олди. Президентимиз "Текширса — кўрақди, кўрса — солиқ тўлайди" деган эски қараш ўзини оқламаганини таъкидлади.

Натижада "А" ва "Б" — яхши тоифага кирувчи корхоналар сони 91 миңга кўпайди, солиқ текширувлари эса икки баравар қисқарди. Шу билан бирга, хусусий секторда 5 миллион сўмдан юқори маош оладиганлар сони 1 миллиондан ошди.

2025 йилги очик мулоқот эса рақамли иқтисодиёт ва "соя" иқтисодиётини қисқартиришга қаратилган янги босқични бошлаб берди. Президентимизнинг таъкидлашича, сўнгги саккиз йилда иқтисодиётга 230 миллиард доллар инвестиция жалб қилинган бўлиб, шундан 120 миллиарддан ортиғи хорижий сармоядир. 2025 йилда иқтисодиёт 7,7 фойз ўсгани ҳам ислохотлар самарасини кўрсатди.

Энг диққатга сазовор жиҳат — очик мулоқотлар энди фақат муаммо эшитиш майдони эмас, балки рақамли давлат ва рақамли бизнес экотизимини шакллантириш платформасига айланмоқда. Масалан, 2030 йилгача яқка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи банд қилганлар учун махсус ҳуқуқий режим жорий этилиши, электрон платформалар орқали хизмат кўрсатиш ва универсал QR-код тизимини ишга тушириш режалаштирилди.

Эътиборлиси, 2021 йилдан буюн тадбиркорлар илгари сурган қарийб 1000 ташаббус қонун ва қарорларда ўз аксини топди. Бу эса очик мулоқотлар формал тадбир эмас, балки давлат қарорларини қабул қилишнинг амалий механизмига айланганини аниқлади.

Сўнгги беш йилдаги очик мулоқотлар Ўзбекистонда давлат ва бизнес муносабатларини мутлақо янги босқичга олиб чиқди. Тадбиркор энди фақат солиқ тўловчи эмас, балки иқтисодий сиёсатни шакллантиришда иштирок этувчи муҳим субъект. Энг муҳими, мазкур мулоқотлар иқтисодиётини реал бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда бошқариш мумкинлигини намоян қилди.



БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИГА МОСЛАШАЁТГАН ЭНЕРГЕТИК ТАРИФЛАР

Мамлакатимизда кейинги йилларда электр энергияси ва табиий газга талаб кескин ошиб бормоқда. Бу, аввало, аҳоли сони кўпайиши, иқтисодиёт ўсиши ва одамлар турмуш тарзи ўзгариши билан боғлиқ.

Нуқтаи назар

Бугунги хонадонни 20-30 йил аввалги уй билан таққослаб бўлмайди. Илгари бир уйда бир телевизор, бир музлаткич ва бир неча чироқ бўлган, ҳозирда деярли ҳар хонадонда кондиционер, компьютер, кир ювиш машинаси, микротўқилки печ ва ўнлаб электрон қурилмалар ишлайди.



Раҳматилло ШУКУРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Янги Ўзбекистон шароитида янги хонадонлар сони кўпайиб, юз минглаб уй-жойлар қурилди, маҳаллалар пайдо бўлди. Табиийки, буларнинг барчаси электр ва газга эҳтиёжнинг бир неча баробар ошишига олиб келди. Агар 2016 йилда 45,7 миллиард киловатт-соат электр энергияси истеъмол қилинган бўлса, 2025 йилга келиб қарийб 71 миллиард киловатт-соатга етди. Бу қисқа вақт ичида жуда катта ўсиш дегани.

Инфратузилма талабга мос бўлиши керак. Лекин юртимиздаги электр тармоқлари ва трансформаторларнинг катта қисми 40-50 йил аввал қурилган. Ёзининг жазирма иссиқ қурилари ёки қишининг қаттиқ совуқ паллаларида узиллишлар электр тақчиллигидан эмас, балки мавжуд электр тармоқларининг қарийб ярми эскирган ҳолатда эканидандир.

Мутахассислар ҳисоб-китобига кўра, тармоқларнинг эскиргани сабабли электр энергиясининг 15-20 фойзи манзилга етмасдан йўқолиб кетди. Бу эса ҳар йили миллионлаб хонадонларнинг бир неча оғи таъминлашга етарли миллиардлаб киловатт-соат энергия бекорга сарф бўлаётганини аниқлади. Энг ачинарлиси, бу йўқотишлар ортиқча маблағ сарфланганига олиб келмоқда. Агар тармоқлар янгиланмаса, эртага узиллишлар янада кўпайиши мумкин.

ишлаб чиқариш таннарининг ҳатто учдан бир қисмини ҳам қопламаган. Лекин аҳолини иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадида йиллар давомида давлат бюджетидан катта субсидия ажратиб келинди. Аммо бу иқтисодий қонунга мос натижа кўрсатди — агар маҳсулот таннаридан арзон сотилса, соҳада ривожланиш бўлмайди. Натижада тизимга сармоя киритиш имконияти чекланди, ўтган давр мобайнида қатор муаммолар тўпланиб қолишига олиб келди.

Бу борадаги энг муҳим жиҳат, ажратилган субсидиядан кам таъминланган оила ҳам, юзлаб киловатт электр сарфлайдиган катта ховли эгалари ҳам бир хил фойдаланганидир. Оқибатда давлат ёрдамнинг катта қисми, яъни арзон тарифдаги энергия моддий жиҳатдан ўзига тўғ қатлам вакилларига сарфланди. Эндиликда ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида дунё амалиётида кенг қўлланилган адолатли механизмдан фойдаланиб, "ижтимоий норма" тизими жорий этилмоқда.

Яъни белгиланган меъёр доирасида истеъмол қилган аҳоли учун тарифлар нисбатан арзон сақлаб қолимоқда, кўпроқ энергия сарфлаганлар эса юқорида нарх тўлайди. 2026 йил 1 июндан бошлаб электр энергияси ва газ тарифлари 10 фойзга индексация қилинди. Бу инфляцияга даражасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Яъни ойда 200 киловатт-соат электр энергияси

Довон сари яқинлашиб, Дехқонobod тумани худудига кириб борар эканмиз, равон йўлда машинамиз олға силжийди. Тепалик бошлангач, кўз олдимизда ажиб манзара намоян бўлди. Ям-яшил қирларда қўй-қўзилар ўтлаб юрибди. Серёгин баҳор туфайли чорвадорлар кўрасига барака киргани дарҳол сезилади. Кўкаламга чопонини тўшаган чўпон мусаффо осмонга термилганча хаёлга чўмган. Катта йўлдан гизиллаб ўтаётган машиналарга парво ҳам қилмайди. Сал нарида катта бўрибосар ити.



Гузардаги гурунглр

ИШСИЗЛИК БАРҲАМ ТОПИБ, КАМБАГАЛЛИК ЧЕКИНАЁТГАН МАҲАЛЛА

Йўл четидан тўхтаган йўловчилардан кимдир табиат манзарасини суратга муҳрлашга ошиққан. Бошқа биров яшиллик бағрида ором олиш истагиди. Бир оз нарида кўкаламда ўтирган икки болакайга кўзимиз тушди. Уларнинг қўлида яримта нон. Қувноқ кўзи катта йўлга термилган. Қўл силкитиб, гўё меҳмонларини қарши олади. Қўлга урчқай олиб, гир айлангирди. Ёнидаги аёлга нималариндир гапиряпти. Кино тасмаси каби ўтиб бораётган тасвирлар бир-биридан қизик...

Туман марказидан бир оз ўтиб, ўнган буридик. Бўёғи қишлоқ йўли. Салдан сўнг Қодир баши Раҳимов маҳалласига кириб борамиз. Хаёлимизга олдинги тош-туپроқлик кўчалар келади. Лекин ҳозир ундай эмас. Паст-баланд йўл текис асфальт қилинган. Олдинги тош-туپроқдан дарак йўқ. Чамаси ярим соатларда манзилга кириб бордик. Маҳалла раис ҳашарга бош бўлиб юрган экан. Уша томон йўл олдик. Катта тепаликда бир гуруҳ одам ишлайётгани устидан чиқдик. Улар узун қувурларни ўрага ташлаб, устидан туپроқ тортаётган экан. Кескалар сув четда ўтириб, маслаҳат бермоқда.

сотиб олиб келадиган бўлдик. Бу ҳолат 22 йил давом этди. Лекин осон бўлмади. Битта ниҳол эколандик. Утган йили дастур асосида маҳалламизга эътибор қаратилди. Қувурлар бутунлай янгиланиб, булоқдан сув олиб келинди. Кўп йиллик орзумиз амалга ошди. Маҳалладашлар мамун бўлганини айтмай-сизми! Барака топшисин. Дастур асосида шу жойгача сув келтириб беришди.

Тепаликдан ён-атрофдаги қишлоқларни кузатамиз. Деярли барча томорқача экин экилган. Кўпгина ҳовлида дархатлар буй кўрсатиб турибди. Бу жойга ичимлик сув келтирилганига бир йил бўлган. Оқова сув эса умуман йўқ. Бу натижага қандай эришилгани қизик эди. — Аввал тўрт-бешта қўй-эчки ортидан кун кечирадик. Бошқа имкон ҳам йўқ эди-да, — дейди маҳалла фаоли Абдурусол Раҳимов. — Бундан етти-саккиз йил олдин хориждан келганлар қаврак ўсимлиги билан қизикди. Баъзилар уни доривор сифатида сотадиган бўлди. Қаврак дашларимизда кўп ўсади. Лекин шу пайтгача унинг доривор эканини билмаганмиз. Шундан сўнг биз ҳам шу иш билан шуғуллаша бошладик. Аввалги далалардаги қавракдан фойдаландик. Қара-сак, ўсимлик тез орада камайиб кетадигандек. Шундан сўнг уруғини олиб, томорқача экадиган бўлдик. Бугун маҳалладаги деярли барча хонадонда қаврак экилган. Шу орқали аҳоли даромад топтоқда. Ишсизлик тугатилиб, камбағаллик яқунлини арафасида.

— Илгари ишсиз эдим. Шароит бўлса, бирор йўналишда ишлаш ниятида юрардим. 40 сотих томорқам бор, — дейди маҳалла тадбиркорларидан Қудрат Солиев. — 2017 йили томорқамнинг бир қисмига қаврак эқдим. Йилдан йилга кўпайиб, 40 сотих майдоннинг ҳаммасини қавракзорга айлантирдим. Икки йил аввал Марғилондан 300 туپ бодом кўчати олиб келиб эқдим. Ёмғир сувини йиғиб, ишлатиш мақсадида 70 миллион сўм сарфлаб, 70 тонна сигимли ҳовуз қурдирдик. Томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимини ишга туширдик. Утган йили 200 миллион сўм даромад олдик. Бу йил ундан ҳам кўпроқ фойдадан умидвормиз. Аини пайтда 50 миң туپ қаврак ўсимлиги кўчати-ни тайёрладик. Бу ҳам қўшимча кирим бўлади. Ёмғирлатиб суғориш натижасида кўчатлар ҳам етилиб қолди. Бир туپ кўчат 2000 сўмдан сотилади. Аслида, шунча кўчат бир сотих ерга тайёр бўлган. Лекин даромадини ҳисобласангиз, 100 миллион сўмдан ошади. Бу йилдан эса бодомларимиз ҳам ҳосилга қиради.

Кўп йиллар давомида худуд аҳолисини оқар сув йўқлиги қийнаб келган. "Излаган имкон топар", деганларидек, аҳоли бугун бунинг ҳам уйдасидан чиқди. Энди одамлар томорқамнинг бир бурчадига қичқирок ҳовуз қурди, уни бетонлаб, ёмғир сувини тўпловқурди. Тарновдан оққан сув қувур орқали тўғри

ҳовузга тушади. Ҳовуздаги сув ҳам тежаб ишлатилиши учун томорқа томчилатиб суғорилади. Бир пайтлар чорва тугагани санаб кун ўтказган маҳалла аҳли бугун қавракчиликда етакчилик қилмоқда.

— Аввалга 15 хонадонда синов тариқасида ёмғир сув йиғиниши йўлга қўйилган, — дейди Абдусалим Эгамшукоров. — Натижа кутганимиздан ҳам яхши бўлди. Бир мавсум давомида ҳар бир ҳовузда 100-150 тоннага сув жамғарилди. Томорқача рабод бўлиб, аҳоли даромади сезиларли ошди. 15 хонадоннинг яшаш тарзи кескин ўзгаргани бошқаларни ҳам меҳнатга чорлади. Бугун деярли барча шу усулдан фойдаланмоқда. Кейинги беш-олти йилда турмуш тарзимиз анча яхшиланди. Ҳозир маҳалламизда ишсиз одам йўқ.

Дехқонobod тумани ҳокимлиги масъулларининг айтишича, бугун туманда 12 та маҳалла қавракчиликка ихтисослаштирилган. Натижада аҳоли томорқачаридан яхшигина даромад олмақда. Ҳозир туманда жами 11 миң 400 гектардан ортиқ қаврак ўсимлиги етиштирилляпти. Асосан, фармацевтика ва парфюмерия саноати учун ҳамда зиравор сифатида ишлатиладиган бу ўсимликка хорижда талаб юқори.

2026 йил 3 июнь, 111-сон

Сурхон воҳасига ҳар йили баҳор эртароқ келади. Шошқалоқ майсалар қилларнинг бағрини безашга тушади. Ватан тупроғини ўзининг соғинчлари билан қорган қалдирғочлар айвонимизга ошиқади. Отамнинг қалдирғочлар чуғурлашидан завқ олганига кўп бора гувоҳ бўлганман. У бизга: “Уйларингнинг эшигини очиб қўйинглар, қалдирғочлар тинчи бор хонадонларга кириб келади”, дер эди. Отамнинг сўзларидан куч оламан. Ватан куйчиси бўлган қалдирғочларнинг сеҳрли оламига кўз тикиб, хаёлимда куйидаги сатрлар яралади:

Қалдирғочлар менга Ватан дарсин берди, Мен тингладим улар берган сабогини. Хонам ичра кўзтумордек осиб кўйди, Бир кафтгина она юртнинг тупроғини...



Кўнгилга яқин гаплар

ҚАЛДИРҒОЧЛАР САБОҒИ

Уларнинг хонамиз ичра кўзтумордек осиб қўйган масканидан меҳр нури ёғилади. Бир жуфт митти қушини оилага чексиз муҳаббатини кўриб, ҳайратланаман. Уларнинг юрт тупроғига эҳтироми юрагимни жимирлатади. Ватан ҳаммиса инсоннинг кўз олдига бўлиши кераклигига яна бир бор амин бўламан:

Бу ҳолатдан жуда қаттиқ уйғатдим, Тунлар ётсам кўз олдимда турар Ватан. Эй митти қуш, санъатингга қўйил қолдим, Дўстлашайлик, кел, бир умр сенинг билан...



АХТАМҚУЛИЙ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси, шоир

Отам бежиз эшикларимизни очиб қўймаган экан. Қалдирғочларнинг кишини уйга толдирадиган бу масъулият дари чиндан ҳам мен учун ҳаммиса Ватан дарси бўлиб қолади:

Эшикларим сизлар учун очик эрур, Қанот қоқиб қулбам аро келаверинг. Сан берган дарс менга

Ватан дарси бўлсин, Қанча дарсингиз бўлса гар бераверинг!



Болаликнинг беғубор дамларини эсламан. Отам ва онамнинг атрофида қалдирғочдек чуғурлашиб юрган келаримизни соғинаман. Биз — 12 фарзанднинг барча ташвишини сабр

этар, эшитганида ёш болада ҳўнграб-ҳўнграб йиғларди. Мен китобнинг сеҳрини ўшада англаганман. Биз — қаттол тузумнинг кирдикорларидан безган одамлар ҳаётини кўрган авлодмиз. Ушбу кечмишлар ижодкор учун битмас-туганмас дostonдир...

Бугун мен гуллаб-яшнаётган янги Ўзбекистонимиз кўчюнда кечётган завқли лаҳзалар ҳақида сўз юритмоқчиман. Атрофга боқиб, отамнинг орзулари рўёбга чиққанига гувоҳ бўламан. Серқуёш юртимизнинг мусоффо осмонид

қайта кашф этмоқда. Яқинда Ислам цивилизацияси марказига борганимда эртанаммо бино атрофида турли тилда сўзлашиб, кўзини осмонга тикканча ҳаяжонни яширолмаган сайёҳларнинг ҳайратидан ўзим ҳам ҳайратландим. Самарқанддаги Имом Бухорий мажмуасига борганимда эса бу ҳолатни янада чуқур хис қилдим.

Уша олисдаги “Дийдор” номли маҳалламизнинг беғубор одамларини соғинганимда Сурхонга ошиқаман. Юрагим қанот чиқаради. Кўз олдимдан хотиралар чирпирак бўлиб ўтади. Отамни қаритган дашту далалар, онамнинг туну кун кўнглини ёритган тандир кўз олдимда намоён бўлади. Пурвиқор тоғлар билан туташиб кетган маҳалламиз киефасининг гўзаллашиб бораётганидан кўз қувнайди. Салкам 8000 киши яшайдиган Дийдор маҳалласининг тенгсиз жамолига маҳлиё бўлиб, кишлоқ оралар эканмиз, худуд сўнги беш-олти йилда таниб бўлмайдиган даражада ўзгарганига гувоҳ бўламиз.

Бу — менинг маҳаллам. Отам бир пайтлар менга: “Маҳалладан узоклашма, унинг хизматини қилишдан толмагин, болам!”, дер эди. Бугун шу маҳаллага кенжа ўғлим Исламжон ранслик қилмоқда. Аввалига унинг бу оғир ва масъулиятли вазифани зиммасига олганидан бир оз хавотирлангандим. Унга: “Сен ҳали ёшсан. Маҳалла — жуда катта

“Уша олисдаги “Дийдор” номли маҳалламизнинг беғубор одамларини соғинганимда Сурхонга ошиқаман. Юрагим қанот чиқаради. Кўз олдимдан хотиралар чирпирак бўлиб ўтади. Отамни қаритган дашту далалар, онамнинг туну кун кўнглини ёритган тандир кўз олдимда намоён бўлади.

даргоҳ, салкам 8000 кишига бош бўлиш сенинг ёшинда оғирлик қилади”, дергандим. Ушунда 27 ёшли қаршилаган ўғлим, назаримда, маҳаллани бошқаришга ёшил қиладигандек кўринган эди. Кейин эса унинг бу ишга қатъият билан киришини кўриб, ўзим ҳам фخرландим. Давлатимиз раҳбарининг ёшларимизга билдираётган тенгсиз ишончи бежиз эмаслигига яна бир бор гувоҳ бўлдим.

Бугунги Дийдор маҳалласига кўплар ҳавас билан қарайди. Ҳавас қилишга арзиғулик ишлар қилинса, эл мамнун яшайди. Маҳалладаги 100 ўринли болалар боғчасида 1 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Худудда жойлашган 36-мактабда 5 миллиард сўмлик 250 ўринли, 73-мактабда эса 3,5 миллиард сўмлик 160 ўринли қўшмица биналар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Маҳалланing 13 та кўчасига тўлиқ тунги ёриткичлар ўрнатилди ва 170 га яқин симёғоч янгиланди. Худуд аҳли хашар йўли билан қилган ишларнинг эса ҳисоби йўқ. Бундай мисоллар жуда кўп. Нима бўлганда ҳам биргина маҳалланing ўзида қанчадан-қанча хайрли ишлар қилинганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Тўғри, ҳар ким ўз фикрини эркин айтиш ҳуқуқига эга. Аммо кўнглимни ранжитгани маломат сўзлари эди. Мазаммату таънага тўла постлар эди... Шу ўринда масалага бошқа жиҳатдан қарашни таклиф этган бўлардим: мазкур ўйинда ҳисоб энг муҳими эмас. Зотан, биз учун аини дамда ўғлонларимизнинг Европа ва Америка футболли билан тенгма-тенг майдонга тушаётгани — энг катта ютуқ. Қолаверса, бу баҳс ҳал қилувчи вазият ҳам эмас. Яна халқимизда “ўйин боши” деган гаплар ҳам бор.

Наздимда, бугун маломат фурсати эмас, балки қўллаш, дадда бериш пайти. Биз эса буни давлатимиз раҳбаридан ўрганишимиз керак. Аини шунга бир мисол келтирсам...

2025 йил 10 июнь кунли Олий Мажлис Сенати вакили сифатида Москвада Пушкин китобхоналиги анъанавий тадбирида иштирок этдим. Кечкурун МДХ давлатлари парламент аъзолари учун Россия Давлат Думаси қабул уюштирди. Бордик. Хорижлик ҳамкасблар билан суҳбатимиз авж олди. Аммо хаёлим Тошкентда эди. Чунки аини вақтда пойтахтимизда Ўзбекистон футболли тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган ўйин ҳам бўлиб ўтиши керак эди.

Интернет орқали ўйинни кузата бошладим. Матч бошлангач, майдонга шаҳсан Президентимиз қатор давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари бир кириб келди. (Шу кун Тошкентда халқаро инвестиция форуми ҳам бўлиб ўтаётган эди.) Ёнимда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожкистондан борган қардошлар ва Туркманистон элчихонаси масул ходими бўлиб, улар ҳам, гарчи бу ўйингача жамоамиз мундиалга чиқши масаласини ҳал қилиб қўйган бўлса-да, давлатимиз раҳбарининг шаҳсан ўзи бош бўлиб меҳмонларни стадионга олиб келганидан ҳайратда эди.



Хусан ЭРМАТОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, сенатор

Биласизми, ўша кунни бу давранинг энг бахтли одамига, қаҳрамонига айландим десам ҳам бўлади. Ўйин 3:0 ҳисобида жамоамиз галабаси билан якунланди.

Беҳад шод эдим. “Ўртоқлар, Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатида қатнашадиган бўлди, мени табрикларинг!”, дедим гурур билан. Қарсақлар ва олқишлар янгради. Ёнимдаги қардош ҳамкасбларимизнинг ҳам юзи қувончдан порларди. Улар учун Ўзбекистоннинг бу ютуғи ўзлариники каби ёқимли, қувончли, қалбларга гурур солган хушхабар бўлди.

Айтмоқчиманки, футбол бўйича терма жамоамизнинг ҳар бир ютуғи шаҳсан давлатимиз раҳбарининг иштироки, кўллови, хайрихоҳлиги билан боғланиб кетганини ҳеч ким инкор этмас керак.

ҲАР БИР ЯХШИ СЎЗДА КАТТА ДАЛДА БОР!

Ўзбекистон ва Канада ўртасидаги ўртоқлик учрашувида 0:2 ҳисоби қайд этилди. Шундан сўнг ижтимоий тармоқлар “портлади”. Ахборот оқими изоҳларга тўлиб кетди. Футбол ишқибозларию ихлосмандлари ўз фикр ва мулоҳазаларини ёза бошладилар. Ҳар ким ўз баҳоси, талқини, танқиди ва таҳлиллари билдирди.

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ЗАФАРИ

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасидаги футбол бўйича жаҳон чемпионати ғолиблари тантанали кутиб олинди

Инсон ҳаётида шундай таянч нуқталари бўладики, улар тақдирнинг ҳар қандай кемтиқларини тўлдириб, келажак пойдеворини мустаҳкамлайди. Узоқ йиллар давомида Меҳрибонлик уйлари гўё бир таъминот маскани сифатида қўрилган бўлса, бугун ушбу тизимга қараш тубдан ўзгарди.

Давлатнинг бу борадаги ғамхўрлиги қуруқ ҳисоботлар ёки расмий кўмак доирасидан чиқиб, ҳар бир боланинг ички иқтидорини кашф этиш, уларга жамиятнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қанот бағишлаш даражасига кўтарилди.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасидаги футбол бўйича жаҳон чемпионати кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолган тасодуфий мусобақа эмас. Йиллар давомида ўз анъаналарига эга бўлган, дунёнинг турли нуқталаридан келган, тақдирини ўхшаш ёшларни бир мақсад атрофида бириктирган бу глобал турнир ўзбек ёшлари учун ҳам ҳақиқий синов ва ўзини намоён этиш майдонига айланиб улгурган.

Жорий йилнинг 28-31 май кунлари Польшанинг Варшава шаҳрида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида футбол бўйича XI жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Нуфузли мусобақада Тошкент шаҳридаги 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан ташкил топган жамоа мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди ва биринчиликни қўлга киритди.

Футболчиларимиз 7 та учрашувда галаба қозониб, финал босқичига йўл олди ва ҳал қилувчи баҳсда “Legnickie Orly Legnica” (Чехия) жамоаси устидан ҳам зафар қучиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Кунни кеча чемпион спортчиларимиз Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди. Маросим давомида спортчиларга махсус эсдалик совғалар топширишда ҳамда уларнинг эришган юксак натижалари муносиб эътироф этилди.

Ушбу турнирда 39 та жамоа таркибид

400 нафарга яқин ёш спортчи, жумладан, Польша, Чехия, Словакия, Словения ва Ўзбекистон вакиллари иштирок этди. Вакилларимиз спорт тадбирида иштирок этишида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги яқиндан кўмак берди.

Турнир давомида 97 та учрашув ўтказилиб, жами 449 та гол урилди. Баҳслар ўзаро ҳурмат ва дўстлик руҳида ўтди. Қизгин кечган баҳслар якунида Ўзбекистон ёшлари турнир ғолиби бўлди.

Шу тариқа бу галги футбол бўйича халқаро турнирда: — I ўрин — Ўзбекистон; — II ўрин — “Legnickie Orly Legnica”; — III ўрин — “Sternik Szczecin” жамоаларига насиб этди. — Қувонарлиси, терма жамоамиз аъзоси Максим Исмолов турнирнинг энг яхши дарвозабони деб топилди, — дейди терма жамоа аъзоси Ҳасан Эргашев. — Бу унинг бутун чемпионат давомидаги юксак маҳорати ва ишончли ўйинининг

эътирофидир. Мазкур мусобақа мамлакатлар ўртасидаги спорт, маданий-гуманитар ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга ва турли давлатлар болалари ўртасида дўстлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг Варшавадаги элчихонаси ушбу совринга Ижтимоий ҳимоя миллий



Хаким Йўлдошев олган сурат.

Илғор авлод

агентлиги кўмаги ҳамада ёш спортчиларнинг юксак тайёргарлиги, интизоми, қатъияти ва ўз мамлакатини халқаро майдонда муносиб ҳимоя қилишга интилиши тўғрисида эришилганини таъкидлади.

Тошкент шаҳридаги А.П.Хлебущкина номидаги 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларидан иборат жамоамиз 2022 йил 11-17 май кунлари Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада фахрли I-ўринни, 2023 йил 10-15 август кунлари Варшавадаги VIII жаҳон чемпионатида эса 28 та давлат ичид

фахрли 2-ўринни эгаллаган эди. — Чақалоқ бу дунёга келиб, энг аввало, ўзини ҳимояланган хис қилишни, кимнингидир кўзларид

а ўз аксини ва меҳрини кўришни истаيد

мураббийи Абдулазиз Маннопов. — Тақдирнинг қутилмаган чизгилари сабаб ота-она бағридан йироқда, Меҳрибонлик уйи бағрида ўсаётган болалар учун эса ҳаёт илк сабоқлариданоқ матонат мактабига айланади. Улар бошқа тенгдошларига нисбатан эрта улғайди, эрта фикрлайди, энг муҳими, ҳаёт деб аталган улкан майдонда ўз ўрнини топиш учун ичинидан кучли бир иродани тарбиялайди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари қалбидagi метин матонат футболнинг адолатли фалсафаси билан туташганда эса дунёни хайратга соладиган чинакам мўъжизалар туғилади. Бугунги муваффақиятимиз, галабамиз

Мураббийи Абдулазиз Маннопов. — Тақдирнинг қутилмаган чизгилари сабаб ота-она бағридан йироқда, Меҳрибонлик уйи бағрида ўсаётган болалар учун эса ҳаёт илк сабоқлариданоқ матонат мактабига айланади. Улар бошқа тенгдошларига нисбатан эрта улғайди, эрта фикрлайди, энг муҳими, ҳаёт деб аталган улкан майдонда ўз ўрнини топиш учун ичинидан кучли бир иродани тарбиялайди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари қалбидagi метин матонат футболнинг адолатли фалсафаси билан туташганда эса дунёни хайратга соладиган чинакам мўъжизалар туғилади. Бугунги муваффақиятимиз, галабамиз

Мураббийи Абдулазиз Маннопов. — Тақдирнинг қутилмаган чизгилари сабаб ота-она бағридан йироқда, Меҳрибонлик уйи бағрида ўсаётган болалар учун эса ҳаёт илк сабоқлариданоқ матонат мактабига айланади. Улар бошқа тенгдошларига нисбатан эрта улғайди, эрта фикрлайди, энг муҳими, ҳаёт деб аталган улкан майдонда ўз ўрнини топиш учун ичинидан кучли бир иродани тарбиялайди.

Мураббийи Абдулазиз Маннопов. — Тақдирнинг қутилмаган чизгилари сабаб ота-она бағридан йироқда, Меҳрибонлик уйи бағрида ўсаётган болалар учун эса ҳаёт илк сабоқлариданоқ матонат мактабига айланади. Улар бошқа тенгдошларига нисбатан эрта улғайди, эрта фикрлайди, энг муҳими, ҳаёт деб аталган улкан майдонда ўз ўрнини топиш учун ичинидан кучли бир иродани тарбиялайди.

Мураббийи Абдулазиз Маннопов. — Тақдирнинг қутилмаган чизгилари сабаб ота-она бағридан йироқда, Меҳрибонлик уйи бағрида ўсаётган болалар учун эса ҳаёт илк сабоқлариданоқ матонат мактабига айланади. Улар бошқа тенгдошларига нисбатан эрта улғайди, эрта фикрлайди, энг муҳими, ҳаёт деб аталган улкан майдонда ўз ўрнини топиш учун ичинидан кучли бир иродани тарбиялайди.

Мураббийи Абдулазиз Маннопов. — Тақдирнинг қутилмаган чизгилари сабаб ота-она бағридан йироқда, Меҳрибонлик уйи бағрида ўсаётган болалар учун эса ҳаёт илк сабоқлариданоқ матонат мактабига айланади. Улар бошқа тенгдошларига нисбатан эрта улғайди, эрта фикрлайди, энг муҳими, ҳаёт деб аталган улкан майдонда ўз ўрнини топиш учун ичинидан кучли бир иродани тарбиялайди.

Мураббийи Абдулазиз Маннопов. — Тақдирнинг қутилмаган чизгилари сабаб ота-она бағридан йироқда, Меҳрибонлик уйи бағрида ўсаётган болалар учун эса ҳаёт илк сабоқлариданоқ матонат мактабига айланади. Улар бошқа тенгдошларига нисбатан эрта улғайди, эрта фикрлайди, энг муҳими, ҳаёт деб аталган улкан майдонда ўз ўрнини топиш учун ичинидан кучли бир иродани тарбиялайди.

Мураббийи Абдулазиз Маннопов. — Тақдирнинг қутилмаган чизгилари сабаб ота-она бағридан йироқда, Меҳрибонлик уйи бағрида ўсаётган болалар учун эса ҳаёт илк сабоқлариданоқ матонат мактабига айланади. Улар бошқа тенгдошларига нисбатан эрта улғайди, эрта фикрлайди, энг муҳими, ҳаёт деб аталган улкан майдонда ўз ўрнини топиш учун ичинидан кучли бир иродани тарбиялайди.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев

ЎЗА якуни — 23:15